

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ МУСИРМОН АБДУРАХИМОВИЧ

**ХИТОЙДАН ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН УНАБИ (*Ziziphus jujuba*
Mill.) КЎЧАТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА МЕВАЛАРИДАН ЦУКАТ
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Очилов Мусирмон Абдурахимович

Хитойдан интродукция қилинган унаби (*Ziziphus jujuba Mill.*)
кўчатларини кўпайтириш ва меваларидан цукат тайёрлаш
технологияларини такомиллаштириш..... 3

Очилов Мусирмон Абдурахимович

Совершенствование технологии размножения саженцев
интродуцированного китайского финика (*Ziziphus jujuba Mill.*) и
приготовления цукатов из его плодов..... 21

Ochilov Musirmon Abduraximovich

Improving the reproduction of seedlings of the introduced chinese date
(*Ziziphus jujuba Mill.*) and the development of technology for the preparation
of candied fruits from its fruits..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ МУСИРМОН АБДУРАХИМОВИЧ

**ХИТОЙДАН ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН УНАБИ (*Ziziphus jujuba*
Mill.) КЎЧАТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА МЕВАЛАРИДАН ЦУКАТ
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx286 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учун уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyoue.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шаумаров Хикмат Бахрамович, кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Муминов Нажмиддин Шамсидинович, техника фанлари доктори, профессор Холмирсасва Лола Бахромовна кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори. (PhD)
Ётакчи ташкилот:	Академик М.Мирзаев номидаги Бюгдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 28 сентябрь соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қavat, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№549248-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 15 сентябрь куни тарқатилди.
(2023 йил 28 август 55-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т.Бердиев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

М.З.Холмуратов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д. (PhD), доцент.

С.А.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қонисидаги Илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши, юқори озуқавийлик хусусиятига эга маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши барча мамлакатларда етиштириш шароитларига тез мослаша оладиган ҳамда озиқ-овқат аҳамиятига эга бўлган доривор ўсимликлар навларини интродукция қилишни тақозо этмоқда. Бу борада унаби (*Ziziphus jujuba Mill.*) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ўзининг озуқавийлиги, дориворлиги, шунингдек кўпгина тупроқ-иқлим шароитларига яхши мослаша олиши билан мевали ўсимликлар орасида алоҳида ажралиб туради. Шу боис сўнги йилларда унинг интродукция қилинган ареали тобора кенгайиб бормоқда. «Дунё бўйича унаби етиштирувчи 48 дан ортиқ давлатларда унинг эгаллаган умумий майдони 3 млн. гектардан ортиқ бўлиб, ялпи етиштирилиш ҳажми 10 млн. тоннадан ортмоқда. Биргина Хитойнинг ўзида унинг майдони 2 млн. гектардан ортиқ бўлиб, йилига қарийб 8 млн. тонна маҳсулот етиштирилмоқда»¹.

Дунёда унаби етиштиришда етакчилик қилаётган Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, МДХ, Исроил ва Миср каби давлатларда унабининг озуқавийлиги ва шифобахшлиги юқори, янгилигида истеъмол қилинадиган серсув ва ширин, қайта ишлаш имкониятлари кенг ҳамда қурғоқчиликка чидамли янги навларини олиш, истиқболли шакл ва навларини интродукция қилиш, кўчат ва маҳсулот етиштириш технологияларини такомиллаштириш йўналишларида кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, Хитойда унабининг 400 дан ортиқ навлари яратилган бўлиб, унинг «Junzao», «Li-zao», «Ta-yan-tzao» каби навлари дунёга машҳур. МДХда унинг серҳосил ва шифобахш «Коктебель», «Кара Даг», «Десертный» каби навлари олинган. Хитой, Ҳиндистон ва Мисрда ундан цукат олиш технологиялари яратилган ва қуритиш технологиялари такомиллаштирилган. Шифобахш ва юқори озуқавий қимматга эга маҳсулотларга талаб ортиб бораётган бизнинг мамлакатимизда ҳам унинг янги шакл ва навларини кўпайтириш ва қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикаимизда ҳам унабининг бир нечта навлари интродукция қилинган ва кенг кўламда фойдаланилаётган бўлиб, уларнинг мевали боғларини яратиш ва меваларни қуритиш бўйича муайян тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ унабининг ташқи муҳит омилларига чидамли, турли хил витамин ва компонентларга бой, биологик жиҳатдан тўйимли, йирик мевали навларини интродукция қилиш, уларнинг кўчатларини етиштириш тизимини такомиллаштириш ва меваларидан турли хил ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Қишлоқ

¹ Mengjun Liu, Jiurui Wang, Lili Wang. The historical and current research progress on jujube - a superfruit for the future. Hortic Res. 2020;(7):23-26. doi:10.1038/s41438-020-00346-5.

хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгилаб қўйилган бўлиб, бунда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу ўринда, республикамизнинг қурғоқчил шароитларида ўса оладиган ва тез ҳосилга кирадиган унабининг йирик мевали навларини интродукция қилиш, уларнинг кўчатларини етиштириш агротехикасини ва меваларидан цукат тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 19 ноябрдаги Ф-851-сон «Унаби боғларини кенгайтириш ва унинг озиқ-овқат ҳамда шифобахш хусусиятларидан кенг фойдаланиш тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослашда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кундаги қурғоқчиликнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши қурғоқчиликка чидамли турларнинг янги нав ва шакллар асосида мевали боғлар барпо этиш кўламини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишни тақазо этмоқда. Ушбу йўналишда АҚШда А.Rehder, W.M.Harlow, E.S. Harrar Буюк Британияда J.G.Gunnarson, Италядан F. Stanica, Германияда G. Kriseman, G. Natho, Хитойда M.J.Liu., Y.Wang., Hao Qing., Японияда H.Tabata, Кореядан S.Y.Choi каби олимлар шуғулланганлар ва улар томонидан яратилган унаби навларининг биоэкологик хусусиятларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Марказий Осиё давлатларида унабини интродукцияси, уни ўстириш ва қайта ишлаш бўйича А.А.Шекиладзе, С.Асланов, В.П.Алексеев, А.Г.Айрапетов, А.И. Колесников, В.И.Запрягаева, Н.В.Павлов, Н. Шван-Гурийский, Г.А. Сурхаев, В.А.Семенютина, Л.Т.Синько, А.В. Рындин каби олимлар томонидан бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва турли ҳудудларда ўсиб-ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда кўчатларини етиштириш

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

агротехникаси амалга оширилган. Ўзбекистон худудида унабини иқлимлаштириш, ўстириш ва қайта ишлаш бўйича В.А. Абдураззоқов, Т.А. Желтикова, Ю.А. Карпенко, В.П. Фимкин, Э.Т. Бердиев, Э.Т. Ахмедов, Л.Т. Тошматов, Н.И. Штонда, Ф.Н. Русанов, Х.Б. Шаумаров, Б.Хайдаров, Э.У.Умурзоқов, Л.Б.Халмирзаевалар томонидан кенг қамровли илмий ишлар амалга оширилган. Олимлар томонидан Унабининг истиқболли навларини яратиш, кўчатларини етиштириш, пайвандлаш бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар бажарилган бўлиб, унаби уруғларини экишга тайёрлашда скарификациялаш, уруғкўчатларни етиштиришда мульчалаш, уруғкўчатларни искана пайвандлаш усулларида фойдаланиш ва меваларидан турли хил маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган тажрибалар амалга оширилмаган. Шу билан биргаликда, кўчат етиштириш тажрибалари республикамизда узок йиллардан буён ўстирилаётган маҳаллий шакл ва навлардан фойдаланилган ҳолда бажарилган бўлиб, хорижий навларни интродукция қилиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг илмий-техник дастури доирасидаги №2017E01025 рақамли «Ўзбекистонда Хитой чилонжийдасининг янги юқори сифатли навларини зичлаштирилган схемада экиш ва етиштиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш» номли халқаро лойиҳа асосида бажарилган (2017–2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Хитойдан интродукция қилинган унаби (*Ziziphus jujuba* Mill.) кўчатларини кўпайтириш ва меваларидан цукат тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

унаби уруғларини тайёрлашнинг самарали усуллари танлаш, уруғ унувчанлиги ва экиш муддатларини тадқиқ этиш;

унаби уруғларининг ўсиб-ривожланишига мульчалашнинг таъсирини таҳлил этиш;

пайвандлаш муддати ва усулларида унаби кўчатларини ўсиб-ривожланишига таъсирини аниқлаш;

Хитойдан келтирилган унаби навларининг ташқи муҳитга мослашувчанлигини баҳолаш;

унабидан цукат тайёрлаш учун меваларининг биокимёвий таркиби ва технологик хусусиятларини аниқлаш;

унаби меваларини шакарли қиёмда сорбцияланиш хусусиятларини яхшилаш ва қиём концентрациясини белгилаш;

қиёмга тўйинтирилган унаби меваларини конвектив қуритиш ускунасида қуритиш параметрларини аниқлаш;

цукат тайёрлаш технологик жараёнларини маҳсулотнинг органолептик хусусиятларига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида унабининг (*Ziziphus acido jujuba*) ёввойи шакли, Хитойдан келтирилган «Xiangzao», «Zanhuangdazao», «Tangzao», «Mayabaizao», «Junzao», «Dabailing», «Dongzao», «Linyilizao» ва

«Jixinzao» навлари, уруғ, қаламча, турли хил мульчалаш материаллари (шаффоф ва рангли полиэтилен плёнкалар, чириган гўнг, дарахт қипиғи), мева, шакарли қиём, мева сиртига механик ишлов бериш ускунаси ва конвектив қуритиш қурилмасининг тажриба нусхалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети унаби уруғларини экишга тайёрлаш, уруғ экиш муддатлари ва усуллари, пайвандлаш усули, навларнинг ташқи муҳитга мослашувчанлиги, меваларнинг сорбцияланиш жараёни, қуритиш режимлари ва тайёр маҳсулотни органолептик хусусиятларини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилган, кўчатларни етиштириш ва уларда фенологик кузатувлар ишлари Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мева ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» асосида, мульчалаш материалларининг самарадорлиги Н.А.Баранов, ташқи муҳит омилларига муносабатини баҳолаш С.В.Арестова усулида, уруғларнинг унувчанлик даражасини баҳолаш ГОСТ 13056.1-67 асосида, унаби меваси таркибидаги қанд миқдори «Рефрактометр» услуб ёрдамида, қуруқ моддалар миқдори «Халқаро метрология ва сертификация» кенгаши томонидан қабул қилинган ISO 2113-2013 ГОСТ бўйича, фаол кислота миқдори 26188-2016 ГОСТ бўйича, витамин С - KNO_3 эритмаси билан титрлаш орқали, Р витамини–Вигоровга кўра, витаминлар В1, В2 – ГОСТ 25999 бўйича, унаби мевалари ва цукатининг физик, кимёвий ва органолептик сифат кўрсаткичлари Е.П.Широков услубидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган, тажрибаларда олинган натижалар «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда унабининг 9 та нави Хитойдан интродукция қилинган ва ташқи муҳитга мослашувчанлиги комплекс баҳоланган, унга кўра «Junzao», «Xiangzao», «Zanhuangdazao» ва «Linyilizao» навлари бир хил 83 балл, «Dabailing» ва «Dongzao» навлари мос равишда 78, 77 балл билан истиқболли нав, «Tangzao» нави 66 балл, «Mayabaizao» ва «Jixinzao» навлари эса 63 балл билан паст истиқболли нав сифатида танлаб олинган;

унаби уруғларини экишга тайёрлашда скарификация усулидан фойдаланиш орқали уруғларнинг унувчанлигини 80-90 % га, скарификация қилинмаган уруғларга нисбатан эса 4,6 марта ошириш, стратификацияланган уруғларга нисбатан 1,3 марта юқори бўлиши аниқланган;

мульчалашда шаффоф полиэтилен плёнкадан фойдаланиш орқали уруғлар унувчанлигини 90 % гача етказиш ҳамда мульчаланмаган назорат вариантыга нисбатан 2,5 мартага ошириш мумкинлиги аниқланган;

унаби кўчатларини етиштиришда искана пайвандлашдаги пайвандтаг ва пайвандуст диаметрлари бир хил ёки орасидаги фарқ 0,8-0,9 мм бўлганда компонентларнинг тутиш самарадорлиги 88,2 % ни ташкил этиб, пайвандлаш ишларини март ойининг иккинчи ўн кунлигида амалга ошириш юқори натижа бериши аниқланган;

унаби меваларидан цукат тайёрлашда уч босқичли шакарли қиёмда

тўйинтириш технологиясини қўллаш орқали меваларни сорбцияланиш жараёни давомийлиги «Junzao» навида 4-5 соатни, бошқа навларга нисбатан 2,2-2,4 мартага қисқартирилишига эришилган ва энг мақбул шакарли қиём концентрацияси 50 % бўлиши аниқланган;

қиёмда тўйинтирилган унаби меваларини конвектив қуритиш усулида 12 соат вақт давомида 4 соатлик оралиқ билан 3 босқичда 40-50-60 °С ҳароратда қуритиш энг мақбул параметрлар эканлиги исботланган;

меваларнинг сорбцияланиш хусусиятларини жадаллаштириш мақсадида «Унаби мевалари сиртига механик ишлов бериш» ускунаси яратилган ва ихтирога патент олиш учун топширилган (№ IAP 20220041).

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

унабининг скарификацияланган уруғларини шаффоф полиэтилен плёнкада мульчалаб экиш орқали уруғларни экиш муддатларини узайтиришга эришиш билан бирга тупроқ юзасида қулай физик-кимёвий шароитни вужудга келтирилиши натижасида уруғларнинг унувчанлигини 2,5 марта, уруғкўчатларнинг бўйини 3,4 марта, уруғкўчат таначасини илдиз бўғзидан 5 см баландликдаги диаметрини эса 1,9 мартага оширишга эришилган;

унабининг пайвандланган кўчатларини етиштиришда пайвандтаг ва пайвандуст диаметрлари кўрсаткичларини ўрганиш орқали искана пайвандлаш самарадорлигини 88,2 % гача етказиш мумкинлиги аниқланган;

Хитойдан келтирилган янги унаби навларнинг кўчатларини етиштириш орқали ишлаб чиқариш жараёнида пайвандуст сифатида фойдаланиш мумкин бўлган она боғи яратилган;

унаби мевалари ҳосилини нобудгарчилигини олдини олиш мақсадида уни қайта ишлаб цукат тайёрлаш технологияси бўйича жараёнларни амалга оширишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

унаби меваларидан тайёрланган цукат маҳсулотларини органолептик хусусиятларини баҳолашда нав хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир балли баҳолаш даражасини аниқ белгилаш имконини берувчи кўрсаткичлар шакиллантирилган ва илмий хулосалар натижасида тавсиялар ишлаб чиқилган. Унга кўра “Junzao” нави 91,0 балл билан баҳоланиб, энг яхши натижани қайд этган, бошқа навларда эса цукатнинг органолептик баҳоси сезиларли даражада пасайган ва биокимёвий таркибида ҳам салбий ўзгаришлар бўлиши ўз илмий исботини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларини апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларни ТошДАУ нинг Мева-сабзавотчилик ва узумчилик ҳамда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраларида муҳокама этилганлиги ва ижобий баҳоланганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти халқаро миқёсда унаби боғларини барпо

этишда фойдаланиладиган, хитойдан келтирилган янги истиқболли навларни ташқи муҳит омилларига мослашувчанлиги баҳоланганлиги, мульчалашда уруғ униб чиқиши ва ўсиб ривожланишига тупроқ ҳарорати, намлик ва сув-физик хоссаларининг таъсири таҳлил этилганлиги, уруғкўчатларни пайвандлаш муддатлари ва усулларини тутувчанликка таъсири илмий асосланганлиги, унаби меваларидан цукат тайёрлашда меваларнинг биокимёвий таркиби, технологик хусусиятлари ва технолгик жараёнларнинг маҳсулот сифатига таъсири тадқиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унаби уруғкўчатларини етиштиришда уруғларни эрта униб чиқиш имкониятини оширувчи скарификациялаш усулини татбиқ этилганлиги, искана пайвандлашда пайвандтаг ва пайвандуст диаметрларини компонентларнинг тутиш самарадорлигига таъсири аниқланганлиги, меваларни қиём концентрациясида сорбцияланиш хусусиятини ошириш мақсадида «Унаби мевалари сиртига механик ишлов бериш ускунаси» яратилганлиги, унаби меваларидан цукат тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологик схемаси ва тайёр маҳсулотнинг органолептик хусусиятларини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитойдан интродукция қилинган унаби (*Ziziphus jujuba Mill.*) кўчатларини кўпайтириш ва меваларидан цукат тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари учун “Унабининг янги навлари биокимёвий таркиби ва меваларидан цукат тайёрлаш технологияси” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 августдаги 04/34-05/3855 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарида унабининг (чилонжийда) сифатли цукат маҳсулотлари тайёрлашда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

унаби уруғкўчатларини етиштиришда “скарификациялаш” ва “мульчалаш” усулларидан фойдаланиш ишланмаси Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани “Шохрух Агро Тинчлик” фермер хўжалигида 1,0 га майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 августдаги 04/34-05/3855 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида унаби уруғларининг униб чиқиши анъанавий усулга нисбатан 51,3 % га, ўсиш кўрсаткичлари эса 1,07-3,10 мартага ошган. Олинган молиявий даромад гектарига 28799,0 минг сўмни ташкил этган;

искана пайванд қилишни стандарт кўчатлар чиқишига таъсири бўйича ишланмаси Қашқадарё вилояти, Қамашли тумани «Бойқобул бобо асл боғлари» фермер хўжалигида 2,0 гектар майдонда жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 августдаги 04/34-05/3855 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1,0 га майдондан стандарт кўчатларни чиқиши 32159 донани, кўчат ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад миқдори 93160 минг сўмни, рентабеллик кўрсаткичи эса 185,2 % ни ташкил этган;

унаби меваларидан цукат тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишланма Тошкент вилояти Зангиота тумани “Best Tastes Technology” масъулияти чекланган жамиятида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 августдаги 04/34-05/3855 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида гектар ҳисобидан олинган унаби ҳосили 19,6 тонна атрофида бўлиб, ундан ишлаб чиқарилган цукат маҳсулоти реализациясидан олинган иқтисодий самарадорлик 147882,0 минг сўмни, рентабеллик кўрсаткичи эса 191,5 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Унаби (*Ziziphus jujuba* Mill.) кўчатларини етиштириш ва меваларини қайта ишлаш бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, унаби ўсимлигининг хўжалик хусусиятлари, етиштиришнинг агротехник тадбирлари, уруғкўчатларни экиш муддатлари, мульчалош усуллари, пайвандлаш усуллари, меваларнинг биокимёвий таркиби таҳлили, навларининг терим муддатларини аниқлаш ва қайта ишлаш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан

асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари келтирилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот объекти, предмети ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Унаби кўчатларини етиштириш агротехникасини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида Хитойдан интродукция қилинган унаби навларини кўчатларини етиштириш технологиясини такомиллаштиришга ва қаратилган тажрибалар берилган. Жумладан, ушбу бобнинг «Унаби уруғларини тайёрлаш ва экиш муддатларининг унувчанликка таъсири» деб номланган бўлимида уруғ сифати, уруғ униш энергияси ва унувчанлиги, уруғларни экишга тайёрлаш усуллари ва уларнинг кўчат сифатига таъсир этиши исботланган. Дастлабки тадқиқотлар унаби уруғларини экишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш усулларига қаратилган. Тажрибалар республиканинг 4 та худуди – Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманиларида, шунингдек Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида олиб борилди.

Кўчат етиштиришда 1000 дона уруғ оғирлиги катта аҳамиятга эга: йирик ва оғир уруғлар юқори экиш сифатига эга бўлади. Уруғлар оғирлигини экиш меъёрларини белгилаш учун билиш зарур. Унабининг ёввойи шакли (*Ziziphus jujuba Mill.*) уруғлари барча йиллар бўйича энг юқори кўрсаткич 2018 йилда кузатилди, унга кўра 1000 дона уруғ оғирлиги 52,6 г бошқа йилларга нисбатан 1,03 марта оғир, ўртача 44,2 г ни ташкил этди. Мева данагига нисбатан уруғ ядроси 40 %, ўртача йиллар бўйича 34,8 % бўлиши аниқланди.

Унаби уруғларининг униш энергиясини аниқлаш тажрибасида термостатга экилган унаби уруғлари 5 кун давомида кузатиб борилди, унга кўра уруғларни униш энергияси барча вариантларда 3-кунда содир бўлиб, энг юқори уруғ униш энергияси 3-вариантда (12-соат давомида сувда ивитилган) 35 % самарадорликни ташкил этди ва назорат вариантыга нисбатан 2,3 мартага юқори бўлди. Тажрибанинг қолган 2-вариант (6-соат ивитилган) ва 4-вариантларда (24-соат ивитилган) униш энергияси бир хил 30 % ни, 1-вариант (1-соат ивитилган) ва 5-вариантларда (48-соат ивитилган) ҳам униш энергияси бир хил 25 % ни, энг паст кўрсаткич эса 6-вариантда (72-соат ивитилган) 20 % униш энергиясини қайд этиб назоратга нисбатан 1,3 марта юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатди.

Унаби уруғларининг экишга тайёрлаш усуллари. Тажрибамизда уруғкўчатларни етиштиришда скарификациялаш усулида (меванинг эндокарп қисмидан уруғ ядросини ажратиб олинган) тайёрланган уруғлардан фойдаландик, натижада уруғларнинг унувчанлиги 80-90 % га, скарификация қилинмаган уруғларга нисбатан 4,6 мартага, стратификация қилинган уруғларга нисбатан эса 1,3 мартага ошиши аниқланди.

Шунингдек, уруғларни оптимал экиш муддатларини аниқлаш бўйича

тажрибамизда уруғлар 4 та муддатда турли хил вариантларда экиб ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Унаби (чилонжийда) уруғларини турли муддатларда экиш (2018–2020 й.)

Экиш муддати	Экилган уруғлар сони, дона	Унган уруғлар сони, дона	Унмаган уруғлар сони, дона	Унган уруғлар сони, %	Уруғ кўчат баландлиги, см	Уруғ кўчат диаметри, см
1-15 март	56	39	17	69,6	94,9	1,9
15-30 март	56	51	5	91,1	94,6	1,8
1-15 апрел	56	42	14	75,1	86,4	1,6
15-30 апрел	56	32	24	57,1	76,6	1,2

Юқоридаги жадвал маълумотларида кўриниб турибдики март ойининг учинчи декадаси уруғларни экиш учун энг мақбул муддат деб белгилаб олинди, чунки уруғ униб чиқиши 91,1 фоизни бошқа муддатлардаги уруғларга нисбатан 1,6 марта, кўчат баландлиги бўйича 1,2 марта ва кўчат таначасининг диаметр кўрсаткичи бўйича 1,5 марта юқори бўлиши кузатилди.

Кейинги тажрибалар «Мульчалошнинг унаби ниҳолларининг униб чиқиши ва ўсиб-ривожланишига таъсири» бўйича олиб борилди. Тажрибаларимизда турли хил мульча материалларидан фойдаланган ҳолда унаби уруғларини экишдан олинган натижалар кўйида берилган (2-жадвал).

2-жадвал


Унаби уруғларини турли хил мульчалош усулида экиб ўстириш натижалари (2018-20220 й.)

№	Экилган уруғларни мульчалош усуллари	Экилган уруғлар сони, дона	Унган уруғлар сони, дона	Унмаган уруғлар сони, дона	Унган уруғлар, %	Кўчат баландлиги, см	Кўчат таначаси диаметри, мм
1	I-вариант (қора п-н плёнка)	11	6	5	54,5	71,6	3,6
2	II-вариант (чиритилган гунг)	12	10	2	83,3	51,4	2,6
3	III-вариант (кўк п-н плёнка)	12	10	2	83,3	93,4	4,7
4	IV-вариант (ёғоч қипиғи)	12	7	5	58,3	90,2	4,5
5	V-вариант (шаффоф п-н плёнка)	11	10	1	90,9	104,2	5,3
6	VI-назорат вариант (мулчаланмаган)	11	4	7	36,4	31,4	2,0

Уруғларни униб чиқиши V вариантда (шаффоф полиэтилен плёнка) бошқа вариантларда экилган уруғларга нисбатан кўчатларнинг бўйи 3,3 мартага ва танасининг диаметри 2,6 мартага юқори бўлди. Шаффоф полиэтилен плёнкали вариантда унаби уруғларини барвақт оммавий униб чиқиши 9-15 кунни ташкил этиб, анъанавий усулга нисбатан 7-11 кун эрта уруғ униб чиқишини таъминлади.

Кейинги тажрибалар «Пайвандлаш усули ва муддатларини унаби кўчатларини етиштиришга таъсири» ни аниқлаш бўйича олиб борилди.

Унаби навларини хусусиятларига кўра пайвандлашнинг самарадорлиги, яъни тутиш кўрсаткичи 62,4-88,2 % ни ташкил этди. Пайвандлаш ишларида фойдаланилган пайвадтаг ва пайвандуст ўлчамлари орасидаги фарқ 0,8-0,9 мм бўлган навлар «Junzao» да энг юқори 88,2 % «Jixinzao» навида эса 62,4 % компонентларнинг тутиш самарадорлигига эришилди. Ушбу навнинг пайвандлаш самарадорлиги «Jixinzao» навига нисбатан 1,1-1,7 мартаба юқори эканлиги кузатилди (1-расм).




1-расм. Унабининг искана пайвандлаш усулида пайвандланган турли навларнинг тутиш даражаси, %

Пайвандлаш самарадорлигининг пайвадтаг ёки пайвандуст орасидаги корреляцион боғлиқликлари таҳлил этилганда корреляция коэффициентлари пайвадтаг диаметрида $R^2=0,89$ га, пайвандуст диаметрида эса $R^2=0,82$ га тенг бўлди (2-расм).

Пайвандлаш ишларининг самарадорлиги пайвадтаг ва пайвануст диаметрларига боғлиқлик корреляция коэффициентларининг юқорилиги уларда чизикли боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди. Боғлиқликнинг корреляция коэффициентларидан келиб чиққан ҳолда пайвадтаг ва пайвандлаш самарадорлиги орасидаги корреляцион боғлиқликнинг регрессия

тенгламаси $y = 4,2023x + 41,542$, пайвандустга боғлиқликда эса $y = 3,8485x + 47,679$ кўринишни ташкил этди.



2-расм. Пайвандтаг ва пайвандуст диаметрлари билан пайвандлаш самарадорлиги орасидаги корреляцион боғлиқлик

Кейинги тажрибаларимиз «Интродукция қилинган унаби кўчатларининг ташқи муҳит омилларига муносабатини баҳолаш» бўйича ҳам олиб борилди.

Унга кўра кўчатлар совуққа ва қурғоқчиликка чидамлилиги, новдаларнинг ёғочлашуви, ҳаётий шаклининг сақлаб қолиш даражаси, новдаларнинг ҳосил бўлиш қобилияти, генератив ривожланиши ва кўпайиш усуллари таҳлил этилиб, 100 баллик шкалада баҳоланди. Комплекс баҳолаш бўйича унабининг «Junzao», «Xiangzao», «Zanhuangdazao» ва «Linyilizao» навлари бир хил 83 балл, «Dabailing» ва «Dongzao» навлари мос равишда 78, 77 балл билан баҳоланиб, республикамиз шароитида ўстириш мумкин бўлган истиқболли нав сифатида тавсия этилади. Шунингдек, унабининг «Tangzao» нави 66 балл, «Mayabaizao» ва «Jixinzao» навлари эса бир хил 63 баллни қайд этиб паст истиқболли нав сифатида баҳоланди.

Диссертациянинг «Унаби меваларидан цукат тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида унабидан цукат тайёрлашда мевасининг технологик жиҳатдан этилиш муддатлари ва хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Унаби мевалари таркибида куруқ модда миқдори, намлик, қанддорлик даражаси, умумий кислота миқдори ва аскорбин кислотаси (С витамини) миқдори таҳлил қилинди. Цукат тайёрлашда хом-ашё таркибида қанд миқдорининг юқори бўлиши, шакар сарфи меъерини камайтиришга ва тайёр маҳсулот чиқимини ортишини таъминлайди, унаби мевалари таркибидаги қанд миқдори ўртача 20-34 % ни ташкил этади.

Тадқиқотимизда меваларни қиём билан тўйинтириш жараёнини тезлаштириш учун унаби мевалари сиртига механик ёрикчалар ҳосил қилиш технологиясини қўлладик, бу усулнинг бошқа усулларга нисбатан афзаллиги

мева бўлакчаларга бўлинган ҳолатига кўра товар кўриниши яхши бўлиши, ишлов бериш харажатларини камлиги ва экологик хавфсизлиги билан асосланади. Унаби цукатини тайёрлашда мева сиртига механик ишлов бериш усулини қўллаш натижасида технологик жараёнлар вақтини 2-4 соатга қисқартириш, сифатини яхшилаш ва цукат чиқиш миқдорини 3,5-4,6 % га оширишга эришилди.

Унаби меваларини туйинтириш босқичларини ўрнатиш бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказилди, унга кўра бир босқичли ва уч босқичли туйинтириш жараёнлари таққосланди (3-жадвал).

3-жадвал

Турли босқичли қиёмга тўйинтириш технологиясини қиём ва мевадаги шакар концентрациясига таъсири (2020-2022 йй.)

Жараён тури	Қиём концентрацияси тури	Тажриба вариантлари			
		40%	45%	50%	60%
Бир босқичли	Қиёмдаги шакарнинг якуний концентрацияси	31,4	33,6	39,4	51,7
	Мевадаги шакарнинг якуний концентрацияси	13,2	18,0	21,1	24,6
Уч босқичли	Қиёмдаги шакарнинг якуний концентрацияси	19,5	20,5	22,5	27,1
	Мевадаги шакарнинг якуний концентрацияси	31,7	39,6	43,5	45,8


Уч босқичли тўйинганлик схемасига кўра унаби мевасидаги шакарнинг якуний концентрацияси 50 % ли тажриба вариантыда бир босқичли туйинтириш босқичига нисбатан 22,1 фоизга яъни 2,1 баробар кўп қиём сингдириши кузатилди. Бу натижалар шуни кўрсатадики, унаби меваларини қиём билан сорбциялашда уч босқичли туйинтириш усулини қўллаш, технологик жараённинг вақтини қисқартиришга ва тайёр маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келади.

Қуритиш жараёни шакарнинг карамелланишига, оқсилларнинг денатурациясига учраш эҳтимолини камайтирадиган, тайёр маҳсулотнинг кўриниши ва сифатини бузмайдиган шароитларда амалга оширилиши керак. Бунинг учун юмшоқ режимли қуритиш усули талаб қилинади, шу мақсадга эришиш учун тажрибаларимизда, қуритишнинг технологик параметрларини ишлаб чиқишда 12 соат вақт давомида 4 соатлик интервал билан уч босқичли қуритиш режимларини қўлладик:

- 1-қуритиш режими - 30-40-50 °С ҳароратда;
- 2-қуритиш режими - 40-50-60 °С ҳароратда;
- 3-қуритиш режими - 50-60-70 °С ҳароратда;
- 4-қуритиш режими - 70-60-50 °С ҳароратда;

Цукаталр сунъий қуритиш ускунасида қуритилганда, инфрақизил нурларининг махсус самарадорлиги туфайли цукатнинг ички қатламларининг ҳам тез қизиши кузатилди. Хом-ашёнинг ички қатламларининг тез исишига қарамасдан, биринчи дақиқаларда сирт ва марказий қатламларнинг ҳарорати

ўртасидаги фарқ 10-15 °С сезиларли қийматга эга бўлади. Бундай ҳарорат градиентининг мавжудлиги намликнинг марказий қатламларга термадиффузия ўтказилишига олиб келади ва иситишнинг интенсивлигини оширади (3-расм).



3-расм. Цукат қуритиш жараёнида намлик миқдорини тесқари пропорционал ўзгариши

Вақтга тесқари пропорционал тарзда вақт ўтган сари унаби мевалари таркибидаги намлик миқдори камайиб борди, дастлабки 60 дақиқада намлик улуши мева таркибида ўртача 72-75 % бўлган бўлса, охириги 720 дақиқада ушбу намлик улуши 20-22 % ни ташкил этди.

Иккинчи режим (40-50-60 °С ҳароратида) қуритилган навлар орасида «Junzao» ва «Zanhuangdazao» навлари 91,0; 90,0 балл билан баҳоланиб яққол устунликка эга бўлди, «Jixinzao», «Xiangzao», «Tangzao», «Linyilizao», «Та-Ян-Цзао» навлари мос равишда 87,3; 86,1; 79,5; 78,3; 75,1 балл билан баҳоланиб, ўртача товар навадаги цукат маҳсулотлари тайёрлаш мумкинлиги белгиланди, шунингдек «Dabailing», «Mayabaizao» ва «Dongzao» навлари мос равишда 56,0; 54,9; 55,4 балл билан минумум баллдан ҳам паст балл туплаган навлар сифатида қайд этилди.

Умуман олганда иккинчи режим бўйича қуритилган навлар маҳсулот чиқими бўйича 3-4 режимда қуритилган барча унаби навларига нисбатан ўртача 0,5-1,5 диапазонида юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Ўрганилаётган нав цукатлари орасида энг кўп тайёр маҳсулот чиқими «Junzao», «Zanhuangdazao», «Jixinzao», «Xiangzao» ва «Tangzao» навларида мос равишда 81,7 %, 77,8 %, 75,8 %, 74,5 %, 72,1 % ташкил этган бўлсада бошқа режимда қуритилган цукатларнинг органолептик кўрсаткичлари бўйича сезиларли даражада паст балл билан баҳоланган.

Унаби меваларидан цукат тайёрлашнинг иқтисодий самарадорлиги турли навлар бўйича ҳисобланди (4-жадвал).

Танлаб олинган навларнинг 1,0 га майдонда етиштирилган ҳосилидан тайёрланган цукатларни иқтисодий самарадорлиги (2020-2022 йй)

Иқтисодий кўрсаткичлар	Junzao нави	Zanhuang-dazao нави	Jixinzao нави	Xiangzao нави	Tangzao нави	Linyiliza нави	Та-Ян-Цзао нави
1	2	3	4	5	6	7	8
Цукат тайёрлаш учун хом-ашё миқдори, т	19,6	18,7	18,9	18,1	18,9	19	18
Хом ашё нархи, минг сўм/т	4100	4000	3900	3900	4000	4100	3900
Қиём тайёрлаш учун шакар сарфи, сўм/т	2500	2550	2600	2600	2700	2600	3000
Қадоқлаш материаллари нархи, минг сўм/т	500	500	500	500	500	500	500
Ишлаб чиқариш харажатлари (Иш ҳаққи, энергия сарфи ва бошқалар), минг сўм/т	1150	1150	1150	1150	1150	1150	1150
Умумий харажатлар минг сўм	161700	153340	154035	147515	157815	158650	153900
Тайёр маҳсулот чиқиши, %	81	77,1	75,1	73,8	71,5	66,8	66,5
Тайёр маҳсулот чиқиши миқдори, т	15,88	14,42	14,19	13,36	13,51	12,69	11,97
Маҳсулотнинг таннархи, минг сўм/т	10185	10635	10852	11043	11678	12500	12857
Тайёр маҳсулотни сотиш нархи минг сўм	19500	18500	17500	16000	16000	18000	15000
Даромад минг сўм	309582	266727	248393	213724	216216	228456	179550
Соф фойда минг сўм	147882	113387	94358	66209	58401	69806	25650
Самарадорлик, фоиз	191,5	173,9	161,3	144,9	137,0	144,0	116,7

Ўрганилган навлар бўйича ҳосилдорлик 1 га майдон учун 18-19,6 тонна оралиғда фарқланиб туради. Қиём тайёрлаш учун шакар сарфи маҳсулот таркибидаги куруқ моддалари миқдори паст бўлган «Та-Ян-Цзао» навида 20 % ва «Tangzao» навида 8 % кўп миқдорда шакар сарфланган бўлса, «Jixinzao», «Xiangzao» ва «Linyiliza» навларида бир хил 4 % дан ортиқча шакар сарфланди, аксинча таркибида юқори куриқ моддаларга эга бўлган «Junzao» ва «Zanhuangdazao» навларида эса 1-1,3 % шакар миқдори кам сарфланиши кўзатилди. Шакар миқдорини кам сарфланиши, цукат тайёрлаш жараёнини қисқаришига ва маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади. Цукат ишлаб чиқариш самарадорлиги «Jixinzao» навида 191,5 фоизни ташкил этиб, назорат навида нисбатан 1,6 марта юқори эканлигини кўрсатди, шу сабабли ушбу нав ишлаб чиқаришга юқори рентабилли нав сифатида тавсия этиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Пайвантаг сифатида фойдаланиш учун унабининг ёввойи тур (*Ziziphus acido jujuba*) уруғларини скарификацияланган усулда 12 соат давомида сувда ивителиб экилганда, уруғ унувчанлигини 80-90 % га, скарификация қилинмаган уруғларга нисбатан 4,6 марта, стратификацияланган уруғларга нисбатан эса 1,3 мартага юқори бўлишига эришилади.

2. Унаби уруғлари экилган тупрокни мульчалашда (*шаффоф, кўк ва қора полиэтилен плёнкалар, чириган мол гунги, ёғоч қипиғи*) ижобий натижа берди. Бунда тупроқ қатқалоқ бўлмай, уруғлар бир текис униши учун намлик ва ҳарорат барқарор муътадил бўлиши натижасида энг юқори 90 % унувчанлик шаффоф полиэтилен плёнкада мульчалашда кузатилиб, назорат вариантыга нисбатан 2,5 марта юқори бўлади. Шунингдек уруғларни ёппасига униб чиқиши анъанавий усулга нисбатан 7-11 кун олдин бўлишига эришилади.

3. Унаби уруғларини март ойининг учинчи декадасида экиш энг мақбул муддат бўлиб, унда унувчанлик кўрсаткичи 91,1 % гача бўлиши мумкин. Мазкур кўрсаткич бошқа муддатларда экилган уруғлар унишига нисбатан 1,6 марта, уруғ кўчати бўйининг баландлиги 1,2 марта ва кўчат таначасининг диаметр бўйича 1,5 марта юқоридир.

4. Унаби уруғкўчатларини искана пайвандлашда компонентларнинг диаметр кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, пайвандуст қаламчаси ва пайвантаг таначасининг йўғонлиги бир хил ёки улар орасидаги фарқ 0,8-0,9 мм бўлганда, компонентларнинг тутиши энг юқори «Junzao» навида 88,2 % ва кўчат бўйи $113,5 \pm 3,50$ см гача ўсиб-ривожланишига эришилади.

5. Унаби наваларининг ташқи мухит омилларига мослашувчанлиги комплекс баҳоланганда «Junzao», «Xiangzao», «Zanhuangdazao» ва «Linyilizao» навлари бир хил 83 балл, «Dabailing» ва «Dongzao» навлари мос равишда 78, 77 балл билан баҳоланиб, республикамиз шароитида ўстириш мумкин бўлган истиқболли нав сифатида тавсия этилади. Шунингдек, унабининг «Tangzao» нави 66 балл, «Mayabaizao» ва «Jixinzao» навлари эса 63 баллни қайд этиб паст истиқболли нав сифатида баҳоланди.

6. Унаби уруғкўчатлари март ойининг иккинчи декадасида искана пайванд қилинганда 1 га майдонда маданий нав кўчатлари чиқиши 34120 донани, ялпи даромад 170 600 минг сўмни ва рентабеллик даражаси 193,7 % ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич назорат навига нисбатан 1,13 марта юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатади.

7. Унаби меваларидан цукат тайёрлаш учун мевалар ҳажм жихатдан етилган, яшил рангдан сарғиш ранга ўтиш фазасида, яъни техник пишиб етилиш даврида йиғиб-териб олиниши лозим, аксинча тўлиқ пишиб етилган мевалар цукат тайёрлаш учун сифатсиз ва яроқсиз ҳисобланади.

8. Унаби меваларидан цукат тайёрлашда хом-ашё таркибидаги қанд миқдорини юқори бўлиши, шакар сарфи меъерини камайтиришга ва тайёр маҳсулот чиқиш миқдорини ортишини таъминлайди. Шу сабабли

ўрганилаётган навлар орасидан қанд кўрсаткичи юқори бўлган «Junzao», «Zanhuangdazao», «Linyilizao» ва «Jixinzao» навларидан фойдаланилганда 5-7 % гача юқори маҳсулдорликка эришилади.

9. Сорбция жараёнини жадаллаштириш учун унаби мевалари сиртига механик ёриқчалар ҳосил қилиш технологияси қўлланилиши, бошқа усулларга нисбатан маҳсулотнинг товар кўриниши яхши бўлиши, ишлов бериш харажатларини камлиги ва экологик хавфсизлиги билан устун ҳисобланади. Ушбу усулни қўллаш натижасида технологик жараёнлар вақтини 2-4 соатга қисқартиришга ва цукат чиқиш миқдорини 3,5-4,6 % га оширишга эришилади.

10. Цукат тайёрлашда уч босқичли қиёмга туйинтириш жараёнини қўллаш орқали, мевадаги шакарнинг якуний концентрацияси 50 % ли тажриба вариантыда бир босқичли туйинтириш босқичига нисбатан 22,1 фоизга яъни 2,1 баробар кўп қиём сингдиришига эришилади.

11. Унаби меваларини қуритишнинг энг мақбул режими сифатида 12 соат давомийликда, 4 соатлик интервал билан уч босқичда 40-50-60 °C ҳароратда қуритиш режими белгиланди. Унга кўра унабининг органолептик кўрсаткичлари бўйича «Junzao» ва «Zanhuangdazao» навлари 91,0; 90,0 балл билан баҳоланиб яққол устунликка эга бўлиши, «Jixinzao», «Xiangzao», «Tangzao», «Linyilizao», «Та-Ян-Цзао» навлари мос равишда 87,3; 86,1; 79,5; 78,3; 75,1 балл билан баҳоланиши ушбу навларни қайта ишлашга яроқлилигини таъминлайди.

12. Унаби меваларидан цукат ишлаб чиқаришда 1 га унаби боғидан олинган маҳсулотга нисбатан энг юқори маҳсулдорлик «Junzao» навида 15,88 тонна маҳсулот ва 309582 минг сўм даромад олишга эришилган, иқтисодий самарадорлик 191,5 фоизни ташкил этиб, назорат навида нисбатан 1,6 марта юқори эканлигини кўрсатади.

- унаби уруғкўчатларни етиштиришда уруғларни скарификациялаш усулидан фойдаланишни кўчатчилик хўжаликларига кенг жорий қилиш лозим.

- қирғоқчилик ва ҳар хил стрессларга чидамли, юқори ҳосилдорлиги ва қайта ишлаш саноатига мос навлар сифатида «Junzao», «Zanhuangdazao», «Linyilizao» ва «Jixinzao» навларини Ўзбекистон республикаси давлат реестрига киритиш тавсия этилади;

- унаби цукатини ишлаб чиқариш жараёнида меваларни сорбцияланиш самарадорлигини ошириш учун мева сиртига механик ишлов бериш усули қўлланилиши мақсадга мувофиқ;

- цукат маҳсулотининг органолептик сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун хом-ашёни қуритишга тайёрлаш ва қуритиш жараёнларини, нав хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал тарзда амалга оширилиши керак;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ОЧИЛОВ МУСИРМОН АБДУРАХИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ РАЗМНОЖЕНИЯ
САЖЕНЦЕВ ИНТРОДУЦИРОВАННОГО КИТАЙСКОГО ФИНИКА
(*Ziziphus jujuba Mill.*) И ПРИГОТОВЛЕНИЯ ЦУКАТОВ ИЗ ЕГО
ПЛОДОВ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство
06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктор философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при в Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2023.3.PhD/Qx286.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.tdau.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Шаумаров Хикмат Бахрамович, кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Официальные оппоненты:	Муминов Нажмиддин Шамсидинович, доктор технических наук, профессор Холмирзаева Лола Бахромовна кандидат сельскохозяйственных наук (PhD), доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени Академика М.Мирзаева

Защита диссертации состоится «28» сентябрь 2023 года в 09⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+99871)260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: twag-info@tdau.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж; конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером №549248). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «15» сентябрь 2023 года.

(реестр протокола рассылки «55» от «28» августа 2023 года).



Э.Т.Бердиев,
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.х.н.,
профессор

М.З.Холмуратов,
Учредитель секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.с.х.н. (PhD), доцент

Юнусов С.А.,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Наблюдаемые в последние годы в мире климатические изменения, рост численности населения из года в год, растущий спрос на продукты с высокой пищевой ценностью требуют интродукцию во всех странах сортов лекарственных растений пищевого назначения, способных быстро адаптироваться к условиям выращивания. В этом плане унаби (*Ziziphus jujuba Mill.*) имеет особое значение и выделяется среди плодовых растений своей питательностью, лечебными свойствами, а также способностью хорошо адаптироваться во многих почвенно-климатических условиях. Поэтому в последние годы ареал ее интродукции продолжает расширяться. «По всему миру в более чем 48 странах, выращивающих унаби, занимаемая ею общая площадь превышает 3 млн. гектаров, а объем валового производства – превышает 10 млн. тонн. В одном только Китае площадь под унаби превышает 2 млн. гектаров, где ежегодно выращивается почти 8 млн. тонн продукции»¹.

В таких странах мира, как Китай, Индия, Пакистан, Афганистан, СНГ, Израиль и Египет, которые лидируют по производству унаби, проводятся широкомасштабные научные исследования в направлениях выведения ее сочных и сладких, а также засухоустойчивых, высокопитательных, обладающих широкими возможностями для переработки сортов с высокими лечебными свойствами, которые употребляют в свежем виде, интродукции перспективных форм и сортов, совершенствования технологий выращивания саженцев и продукции. В частности, в Китае выведены более чем 400 сортов унаби, среди которых известны в мире сорта «Junzao», «Li-zao» и «Ta-yan-tzao». В СНГ получены такие высокоурожайные лекарственные сорта унаби, как «Коктебель», «Кара Даг», «Десертный». В Китае, Индии и Египте разработаны технологии получения из нее цукатов и усовершенствованы технологии сушки. И в нашей стране, где растет потребность к лекарственным продукциям с высокой питательной ценностью, размножение новых форм и сортов унаби и внедрение технологий ее переработки являются одной из актуальных задач с народнохозяйственным значением.

Также и в нашей Республике интродуцированы и используются в широких масштабах несколько сортов унаби, проводились определенные исследования по закладке плантаций унаби и сушке ее плодов. Однако, следует уделять особое внимание интродукции биологически питательных крупноплодных сортов унаби, устойчивых к факторам внешней среды, богатых различными витаминами и компонентами, и совершенствованию системы выращивания ее саженцев, а также производству из ее плодов пищевой продукции различного ассортимента. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы намечены задачи «увеличения доходов дехканских и фермерских хозяйств не менее чем в 2 раза путем интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, доведению ежегодного

¹ Mengjun Liu, Jiurui Wang, Lili Wang. The historical and current research progress on jujube - a superfruit for the future. *Hortic Res.* 2020;(7):23-26. doi:10.1038/s41438-020-00346-5.

прироста сельского хозяйства не менее чем до 5%, а также при этом выращивание экспортоспособной продукции и развитие плодоовощеводства, увеличение площадей интенсивных садов в 3 раза и теплиц в 2 раза, повышение экспортного потенциала еще на 1 млрд. долларов США»². В этом аспекте актуальным становится проведение исследований по интродукции крупноплодных сортов унаби, способных произрастать в засушливых условиях нашей республики, совершенствованию агротехники выращивания их саженцев и технологии приготовления цукатов из ее плодов.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит исполнению постановления Президента Республики Узбекистан ПП-4239 «О мерах по развитию сельскохозяйственной кооперации в плодоовощной отрасли» от 14 марта 2019 года, указа УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года, а также указа Кабинета Министров Республики Узбекистан У-851 «О расширении садов унаби и широком использовании ее пищевых и лекарственных свойств» от 19 ноября 2014 года и научному обоснованию задач, намеченных в других нормативно-правовых актах.

